



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 16 декабрь, № 243 (5410)

Жума

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар



ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳрида фаолият юритаётган "Янги турдаги темир-бетон технологияси" масъулияти чекланган жамиятида икки турдаги темир-бетон қувурлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Янги буюртмалар, қўшимча иш ўринлари

Бунинг учун корхонада модернизация тадбирлари амалга оширилди. 12 та қўшимча иш ўрни яратилган жамиятда ўтган қисқа муддатда буюртмачиларга 400 донадан ортик қувурлар етказиб берилди. Ҳозир банкдан олинган 200 миллион сўмлик кредит эвазига шу турдаги махсулотлар тайёрлаш ҳажмини янада кўпайтириш чоралари кўриляётир.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ вилоятининг Бўка туманидаги «Сафар Бўка Бўстон» корхонасида 5 турдаги макарон махсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Кредит маблағлари самараси

Йилига 120 тонна истеъмол товарлари тайёрлаш қувватига эга ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 56 миллион сўм йўналтирилди. Қисқа фурсатда ички бозорга 20 миллион сўмлик дастлабки махсулот етказиб берилди.

Шуниси эътиборлики, туманда шу йилнинг ўзида биргина озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларни бажариш учун тижорат банклари томонидан 400 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОРАЗМ. Гурлан туманида фаолият кўрсатаётган 531 тадбиркорлик субъекти томонидан жорий йил октябрь ойигача 21 миллиард 691 миллион сўмликдан зиёд махсулот ишлаб чиқарилди.

«Гурланам гулдастаси» либослари

Яқинда улар сафига «Гурланам гулдастаси» хусусий корхонаси ҳам қўшилди. Бўш турган бино мукамал таъмирдан чиқарилиб, замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган мазкур корхонада ойига ўртача 500 донагача кўркем либослар тайёрланмоқда.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД шаҳридаги «Чорсу» галереясида «Ўзбекистон гиламчилиги» кўرғазмаси ташкил этилди.

Кўрғазма: «Ўзбекистон гиламчилиги»

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимиз гиламчилик тарихи, унинг бугуни ва истиқболлари ҳақида тўхталиб ўтишди. Айниқса, истиқлол йилларида гиламчилик санъатининг қадимий турлари қайта тикланаётгани эътироф этилди.

— Кўрғазмада 47 та экспонат намойиш қилинмоқда, — дейди «Чорсу» галереяси директори Баҳром Йўлдошев. — Шундан ўттиз еттита Самарқанд давлат музей-қўриқхонасида сақланаётган ноёб гиламлардир. Уларнинг ҳар бири узок тарихга эга.

Кўрғазмага қўйилган миллий хунармандчилигимиз намуналари хорижлик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Маҳалла» жамғармасининг ҳисобот-сайлов конференциялари

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимларининг ҳисобот-сайлов конференциялари якунланди. Ушбу тадбирларда ҳудудий бўлимларнинг охириги беш йиллик фаолияти таҳлил этилди. Айни чоғда Президентимиз томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талаблари ҳамда Мустақкам оила йили муносабати билан истиқболдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими бошқаруви ҳисобот-сайлов конференциясида сўнги 5 йиллик фаолият кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, бўлим томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожлантириш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариюрлар, боқувчисини йўқотганларга моддий, маънавий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими фуқаролар йиғинларининг ақин ҳамкорига айланган, — дейди Қосон туманидаги «Лопазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси З. Шерматов. — Хусусан, бўлим ташаббуси билан маҳаллаларда болалар спортини оммалаштириш, оила-

вий бизнесни янада ривожлантириш, касаначиликни кенгайтириш ҳисобига оилалар даромадини ошириш бўйича турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мустақкам оила йилида эса бу борадаги ишларни бугунги кун талаби даражасида кучайтириш айти мумкин.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар бўлимнинг беш йиллик фаолиятини баҳолаш асосида бўлим томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилганини алоҳида қайд этди. Жумладан, вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинларида Президентимизнинг «Юқсак маънавият — энгилмас куч» асари тақдими тез олаб борилаётир. Умуман олганда, давлатимиз раҳбари асарлари

тарғиботи юзасидан 117 мингдан зиёд тадбирлар ташкил қилинганлиги эътироф этилди. Шу билан бир қаторда, миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Анжуманда фуқаролар йиғинларида хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни янада ривожлантириш истиқболлари хусусида ҳам сўз юритилди. Жорий йилда вилоят бўйича 1300 дан ортик тадбиркорлик субъектлари фаолият бошлагани, айниқса, эътиборлидир. Эндиликда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсада мувофиқдир.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими бошқаруви ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам ошқоралик руҳида ўтди. Унда бўлимнинг ҳисобот давридаги фаолияти таҳлил этилар экан, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, ҳисобот даврида кам таъминланган оилаларга 800 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармон доиралар вакиллари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида юртимизга ташриф буюрган Ҳиндистон фармацевтика компаниялари экспортини қўллаб-қувватлаш Кенгаши делегацияси шу кунларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Делегация таркибида фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган 13 та йирик компания раҳбарлари ва вакиллари бор.

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҚКАМЛАНАДИ

Кеча ташриф доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда «SSP — Exprocontact» компанияси билан ҳамкорликда икки давлат фармацевтика саноати вакиллари ўртасида кооперацион биржа ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўртасида алоқалар кўп йиллик тарихга эга. Истиқлол йилларида азалдан дўстлик ришталари янада мустаҳкамланиб, барча соҳаларда ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётти. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг расмий ташрифлари чоғида эришилган келишувлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ҳиндистон инвестицияси иштирокида 62 та корхона фаолият кўрсатаяпти. Шундан 11 корхона ташқи хориж сармояси асосида таъкидланган эътиборга молик.

Икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида бир қатор кулай тизим жорий қилинган ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг йил сайин ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Шу

йилнинг январь — октябрь ойларида ташқи савдо айланмаси 136,6 миллион АҚШ долларини ташкил этгани бунинг яққол далилидир.

Ташрифдан қўзланган мақсад эса мамлакатлар ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни яна-

Ҳамкорлик

да ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, айниқса, фармацевтика саноатида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасида томонлар имкониятини кенроқ ишга солишдан иборатдир. Кооперацион биржа бу борада янги имкониятни янада кенроқ ишга солишга имконият қилади, албатта. Сабаби, унда Ҳиндистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Узфармсанот» давлат-акциядорлик концерни ва «Дория-дармон» акциядорлик компанияси мутасаддилари билан бевосита мулоқот қилиш, ўзларини қизиқтирган масалаларга оидинлик киритиш, шунингдек, ўзаро келишувларга эришиш имконига эга бўлди.

(Давоми 3-бетда).

ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАР

мамлакатимиз саноатининг раванқ топишида муҳим ўрин тутмоқда



СУРАТДА: Шаҳрихон туманидаги «SDK Group And» корхонаси ишчиси Муҳайё Охунова.

Азамат ТОШМАТОВ олган сурат.

Бугун кишлоқларимиз инфратузилмасини ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларида бирига айланган. Хусусан, жойларда намунавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга уй-жойлар бунёд этилиши, сервис ва хизмат кўрсатиш тизимининг такомиллаштирилиши, импорт ўринини босувчи ҳамда экспортбоп махсулотлар тайёрловчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилаётгани аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Айниқса, кишлоқ мулкдорлари ташаббуси билан жойларда янги иш ўринлари яратилиб, кўплаб юрдошларимизнинг доимий даромади маънабига эга бўлаётгани қувонарлидир. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси салмоқли бўлаётир.

Андижон вилоятида ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар салмоғи катта. Масалан, Хўжабод туманининг Мустақкам маҳалласидаги «Хўжабод Файз-М» хусусий корхонаси ўрнида аввал пахта қабул қилиш пункти фаолият кўрсатар эди. Кишлоқ тадбиркори Фаррух Зокиров қаровисиз қолган мазкур бино негизда қалава ипдан мато ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган технологик линияни ишга туширди. Хориждан келтирилган замонавий тикув дастгоҳлари ўрнатилган корхонага касб-хунар коллежи битирувчиларидан 50 нафари ишга қабул қилинди. Тез орада сифатли, пишиқ ва бежирим матолар ички ҳамда ташқи бозорда ўз ўрнини топди. Кўп ўтмай тадбиркор молия муассасасидан 50 миллион сўм кредит олиб, корхона фаолиятини кенгайтди. Пировардида яна 20 кишининг иш билан бандлиги таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда кредит ташкилотларининг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

МОЛИЯВИЙ МАДАД — ТАДБИРКОРГА ҚАНОТ

Унда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, БМТ Тараққиёт дастури, Германия ривожланиш банки, Япониянинг «JICA», Жанубий Кореянинг «SOICA», Германия Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентликлари, Иқтисодий тадқиқотлар институти, кредит ташкилотлари мутахассислари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, шунингдек, демократик давлат куриш жараёнида ишбилармонларнинг фаоллиги тобора ортмоқда. Албатта, бунда соҳа вакиллари молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизмат ва ажратилаётган маблағлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларга республикамиз тижорат банклари томонидан жорий йилнинг ўн бир ойи давомида 3 триллион 748 миллиард сўм миқдорда кредитлар берилгани шундан далolat беради. 2011 — 2015 йилларда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган маблағлар ҳажмини 2,7 баробар ошириш режалаштириляётир.

Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз ялли ички махсулотидagi улуши 54 фоизни ташкил этиб, иш билан банд бўлган аҳолининг 74 фоиздан ортиги мазкур соҳада меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Модернизация — жаҳон бозорига кенг йўл

2011 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **34** фоизга ўсди.

Бир рақам шарҳи

Рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жадал татиқ этмасдан туриб, ички ва ташқи бозорда харидорлар махсулотлар тайёрлашнинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ. Шу боис Президентимиз раҳнамолигида саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай лойиҳалар тижорат банклари томонидан молиялаштириляётгани, айниқса, қувонарлидир. Натияжада ишлаб чиқаришни хорижий озорори унумли ва тежамкор ускуналарни ҳисобига янгилаш ишлари тез ва сифатли амалга ошириляпти.

Жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш тадбирлари жадал давом эттирилиб, тижорат банкларининг 3,2 триллион сўм миқдоридagi

кредит маблағи шу мақсадларга йўналтирилди. Пировардида кўплаб стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар муваффақиятли бажарилди. Бу саноатнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқариш қувватининг ошишига, сарф-харажатлар камайишига, моддий ва табиий ресурсларнинг тежаллишига, шунингдек, тайёрланаётган махсулотлар таннархи пасайишига хизмат қилаётир.

Шу билан бирга, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг айланма капитални тўлдирish учун тижорат банклари томонидан 258,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Республикаимизда саноат корхоналарига бериляётган бундай кўмак ишлаб чиқаришни жаҳон андозаларига мослаштириш, энг асосийси, махсулотларини хорижга сотиш борасида юксак самаралар бермоқда.

Инсон ҳуқуқлари:

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

Пойтахтимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси миллий тизимини барпо қилишда халқаро ҳуқуқий андозалар ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференция ташкил этилди.

Унда парламент куйи палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, тегишли вазирликлар, идоралар, ўқув муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда юртимиздаги дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, олиб бориляёт-

ган изчил ислохотлар туфайли юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлигидан келиб чиқадиган, халқаро принцип ва нормаларга асосланган ҳуқуқий замин яратилди. Айни чоғида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий механизми шакллантирилиб, тобора такомиллаш-

тириб борилмоқда. Ушбу механизмнинг ўзаро ҳамкорлик, ижтимоий шериклик асосида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тўла қамраб олаётгани, айниқса, эътиборлидир. Бунда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг

ўрни бекиё бўляётир, албатта. Аниқроқ қилиб айтганда, ўз фаолиятида мустақил бўлган мазкур институтлар давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан мунтазам равишда ҳамкорлик

Анжуман

қилиб, инсон ҳуқуқларини таъминлаб келмоқда.

Тадбирда ана шундай институтлардан бири — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти хусусида атрофлича сўз юритилди. Жумладан, унинг зиммасига инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик қоидалари, халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган принцип ва нормаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш уқлатилган бўлиб, ўтган давр мобайнида марказ томонидан бу борада муайян ишлар бажарилгани эътироф этилди.

— Марказ фаолияти давомида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Конференцияда ислохотларнинг ҳозирги босқичидан келиб чиқиб, фуқаролар йиғинларини фаолиятини ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хусусан, транспорт ва компьютер жамланмалари билан таъминлаш юзасидан ҳам тақлифлар билдирилди.

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви ҳисобот-сайлов конференциясида таъкидланганидек, пойтахтимиз маҳаллаларида кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўчаларнинг янгилаштириш ишлари олиб борилаётган. Бунинг самараси ўлароқ, пойтахтимиз гўзал кифёга касб этаётган. Янги барпо этилаётган кенг, раван йўллар, кўприклар, маҳаббатли бинолар, сўлим хиёбонлар, манзарали боғ-роғлар шаҳримиз ҳуснига хусн қўшмоқда. "Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви ташаббуси билан фақат сўнгги беш йил ичида фойдаланишга топширилган эллика яқин замонавий маҳалла гузарлари ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Айни чоғда бўлим ва маҳаллалар аҳоли, хусусан, ёшларни ишга жойлаштириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уй-жойларини таъмирлаш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ишга жойлаштириш каби қатор йўналишларда изчил фаолият олиб бормоқда.

Маҳаллаларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш, замонавий кўринишдаги маҳалла идораларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар тобора кенг кўлам касб этмоқда. Сўнгги беш йилда 400 та маҳаллага компьютер жамланмаси тақдим этилган, 130 дан зиёд маҳалла мебель жиҳозлари билан таъминлангани ҳам ана шундан далолатдир.

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими бошқаруви ҳисобот-сайлов конференцияси таҳлилий ёндашув ва тақлифларга бой бўлди. Унда таъкидланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқий биллигини оширишга қаратилган 1400 га яқин тадбирлар, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, "оммавий маданият"га қарши курашга доир турли учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Айни чоғда вилоят маҳаллаларида 13 та болалар

ўзида 100 та маҳаллага компьютер жамланмалари олиб берилди. Бўлимнинг ёшлар маънавий-маърифий тарбияси, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги фаолияти ҳам ижобий баҳоланди. Бу борада аънавий тарзда ташкил этилган келинаётган спорт мусобақалари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, "Маҳалламиз полвонлари"

ий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар юқори баҳоланди. Сўнгги йилларда мазкур жамғарманинг вилоят бўлими ташаббуси билан 7 та замонавий маҳалла гузарлари, 13 та болалар спорт майдончаси қуриб, фойдаланишга топширилгани ҳам ана шундан далолатдир. Ҳисобот даврида миллий урф-одатларимизни авайлаб асраш, кам

Шунингдек, анжуманда вилоят бўлими 80 дан зиёд маҳалла гузарлари барпо этилгани таъкидлаб ўтилди. "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви ҳисобот-сайлов конференциясида маҳаллаларнинг тарбиявий аҳамияти тобора ортиб бораётганига алоҳида урғу берилди. Жумладан, вилоятдаги 700 дан зиёд маҳаллаларда бу борадаги ишлар намунали йўлга қўйилган бўлиб, ушбу хайрия ишга бошқа ташкилотлар ҳам жалб қилинаётган. Аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ҳамда "оммавий маданият"га қарши курашда бундай тадбирлар кўл келмоқда. Айни чоғда бу ердаги маҳаллалар томонидан одам савдоси ҳамда гиёҳванд моддалар олди-сотдиси, истеъмолчилик ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ кенг тушунириш ишлари ҳам олиб борилаётган.

Анжуманда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, бунинг учун фуқаролар йиғинларининг фаолиятини янада қучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди. Республикамиз ҳудудларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияларида жамғарма бўлимлари фаолиятида камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини бугунги талаблар даражасида ташкил этишга қаратилган тегишли тавсиялар берилди. Айни чоғда уларда жамғарманинг худудий бўлимлари бошқаруви органлари ҳамда республика ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди.

Ҳисобот-сайлов конференцияларида муҳожима этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. "Халқ сўзи" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

"Халқ сўзи" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

спорт майдончаси ташкил этилган бўлиб, бугун ушбу мажмуалар ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, анжуманда фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, воқеа етмаганлар билан ишлаш, яраштириш, ободонлаштириш комиссиялари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш юзасидан тегишли тақлифлар ўртага ташланди.

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг Наманган вилояти бўлими бошқаруви ҳисобот-сайлов конференциясида алоҳида таъкидланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар келинмоқда. Ҳозирги пайтда вилоятдаги аксарият маҳаллалар замонавий биноларда жойлашган бўлиб, уларнинг барчаси замонавий технология воситалари билан таъминланганлиги бунинг аққол исботидир. Чунончи, биргина жорий йилнинг

ҳамда "Ўзбек жанг санъати" мусобақаларининг республика босқичларида вилоят ёшларидан М. Иномова, М. Усмонова ва А. Сотибодиев голибликни кўлга киритишди.

— "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими томонидан аҳоли томорқасидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, пировадига оила бюджетининг қўшимча манбаларини яратиш, аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда, — дейди Тўрақўрғон туманидаги "Бураматут" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби А. Деҳқонов. — Натижада маҳаллалардаги қўлпаз хонадонларда иссиқхона, паррандачилик ҳўжалиги ташкил этилди. Хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес ҳамда хўнарамчиликни ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда. "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Навоий вилояти бўлими бошқаруви ҳисобот-сайлов конференциясида ободонлаштириш, ижтимо-

таъминланган оилалар, ноғирон ва ёлғиз кексаларга меҳр-мурувват, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, маҳаллаларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш, замонавий кўринишдаги маҳалла идораларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳам доимий эътиборда бўлиб келаётган. Сўнгги беш йилда аксарият маҳаллалар компьютер жамланмаси ҳамда мебель жиҳозлари билан таъминланди.

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг Андижон вилояти бўлими бошқаруви ҳисобот-сайлов конференциясида алоҳида таъкидланганидек, бўлимнинг бевосита кўмағида тадбиркорлик, хусусан, хўнарамчилик, боғдорчилик ва чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада бўлим қишлоқ таъминоти бўлими "Маслаҳатчи мактаби" муҳим аҳамият касб этаётган. Бу ерда билим ва кўникмасини бойитган маслаҳатчилар илғор тажрибаларни ўзларининг маҳаллаларида кенг омалаштирмоқда.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

мамлакатимиз томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги 30 га яқин миллий маърузалар тайёрланиб, халқаро шартномавий органларга қуриб чиқиш учун тақдим этилди, — дейди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори ўринбосари Аҳмад Исмоилов. — Айни чоғда ушбу органларнинг тавсияларини бажариш бўйича 10 дан зиёд Миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашди ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича 100 дан ортиқ қонун лойиҳа-

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Эндиликда корхонада етмиш нафар хотин-кизи меҳнат қилмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган йигирма хилдан ортиқ кийим-кечак маҳсулотлари ҳамда сифатли матоларнинг асосий қисми экспортга йўналтириляпти. Вилоятнинг бошқа қишлоқларидаги банкротликка юз тутган, ночор аҳволдаги эски тикувчилик цехлари, устaxonалар ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрнида ташкил этилган "Антекс", "Ал-Осиё", "Маданият интернейшнл", "Ерқинлоқ марвариди", "Барчиной", "Тагус текстиль" сингари ўнлаб корхоналар фаолиятида ҳам айни пайтда ана шундай ўсиш кўрсаткичлари қайд этилмоқда.

Албатта, интилиш ва изланиш тараққийти таъминловчи муҳим асосдир. Шу маънода, маҳаллий тадбиркорлар томонидан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётгани ва пировадига аҳолининг импорт ўрнини босувчи истеъмол товарларига бўлган талаби қондирилаётгани эътирофга лойиқдир. Бунда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида иш олиб борилаётгани муваффақиятлар гарови бўляпти. Вилоятда ушбу дастурга мувофиқ, 22 та корхонада 83 та истиқболли лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, "Ал-Махмуд" хусусий корхонасида енгил автомобиллар учун ҳамда "Андижонмаш" акциядорлик жамиятида "Ўзбек-



ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАР мамлакатимиз саноатининг равақ топишида муҳим ўрин тутмоқда

энерго" ДАК тизимидаги корхоналар учун бутловчи ҳамда эҳтиёт қисмлар, "УДМ" масъулият чекланган жамиятида енгил саноат учун қорғос конуслар, "Урланд" МЧЖ ва "Саховат" ишлаб чиқариш субъектларида бургилаш ҳамда нефть қазиб олиш ускуналари, "Инкомтарандубител" хорижий шўъба корхонасида табиий ўсимликлар экстракти ва бошқа кўнлаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса қишлоқларнинг янада обод ва кўркам бўлишига, юзлаб ёшларнинг муҳим иш билан таъминланишига хизмат қилди.

Олтинқул туманида саноат жадал суръатларда ривожланиб бораётгани техника воситалари учун филтрлар ишлаб чиқарувчи "SDK Group And" корхонаси маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидордир. Асака, Самарқанд автомобилсозлари яратаятган техникалар, Муборак газни қайта ишлаш комбинатида фойдаланилаётган қудратли механизмларнинг филтрлари айнан шу ерда тайёрланаяпти. Жамоада 180 киши меҳнат қилмоқда. Утган йили бу ерда 1 миллиард 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 640 минг АҚШ долларлик қисми чет эллик буюртмачиларга жўнатилди. Жорий йилнинг тўққиз ойида эса

вожланиб бораётгани техника воситалари учун филтрлар ишлаб чиқарувчи "SDK Group And" корхонаси маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидордир. Асака, Самарқанд автомобилсозлари яратаятган техникалар, Муборак газни қайта ишлаш комбинатида фойдаланилаётган қудратли механизмларнинг филтрлари айнан шу ерда тайёрланаяпти. Жамоада 180 киши меҳнат қилмоқда. Утган йили бу ерда 1 миллиард 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 640 минг АҚШ долларлик қисми чет эллик буюртмачиларга жўнатилди. Жорий йилнинг тўққиз ойида эса

маҳсулот тайёрлаш ҳажми 2 миллиард 740 миллион сўмга етди. Ойим кишлоғи Жалақудук туманидаги аҳоли ўта зич яшайдиган худудлардан бири ҳисобланади. Бу ерда "Миматаштекстиль" хорижий корхонасининг ташкил этилиши қалава ип, трикотаж матолар ва тайёр кийимлар ишлаб чиқариш имконини бериш боробарида, 550 кишининг бандлигини таъминлади. Уларнинг аксарияти касб-хўнарамчиликнинг битирган ёшларидир. Жамоа кейинги бир йилда 7 миллиард 33 миллион сўмликдан зиёд импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарди. Бундан ташқари, ички бозорга 869,4 миллион сўмлик халқ истеъмолчи моллари етказиб берди. 2,811 минг АҚШ доллари микдоридидаги маҳсулот эса экспортга йўналтирилди. Умуман, бугун Жалақудукда 2224 та кичик корхона ва микрофирма туман иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Кишлоқ ободлиги юрт фаровонлигини далолат. Бугун тобора кўркам кифёга касб этиб бораётган бундай гўшаларни бемалол шаҳарларга қиёслаш мумкин. Айниқса, юзлаб ёшларни ўз бағрига олган катта-кичик корхоналарнинг қишлоқларимизга нафақат файзу тароват бахш этаётгани, балки кўнлаб хонадонларга ризку барака олиб кираётгани қувонарлиқдир.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Франциянинг етакчи сиёсатшунос ва дипломатларидан бири бўлган Жак Барра 2011 йил 30 ноябрь — 6 декабрь кунлари мамлакатимизда бўлди. Француз олимнинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетидан унинг "Ўзбекистон геосиёсати" мавзусидаги машҳур тадқиқот асосида туркум маърузалари ташкил этилди.

Франциянинг етакчи сиёсатшунос ва дипломатларидан бири бўлган Жак Барра геосиёсатга бағишланган кўнлаб илмий тадқиқот ишларининг муаллифидир. Жак Барра ўз тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасига катта эътибор қаратиб келмоқда. Мисол учун, 2010 йилда унинг мамлакатимизга бағишланган китоби нашр этилган. Жак Барра талабалар билан учрашувдаги маърузасида Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида эришган улкан муваффақиятларга юксак баҳо берди. Унинг фикрича, "Мустақил Ўзбекистон Президент Исрол Каримов раҳнамолигида ўтиш даврининг барча синновларидан муваффақиятли ўтмоқда, давлатчилик ҳамда янги ташқи сиёсатини шакллантиришда улкан ютуқларга эришмоқда ва бундай изчил давлат сиёсати бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиши мумкин".

Жак Барра ўз маърузаларида Ўзбекистоннинг барқарор ва изчил ривожланиш борасидаги тажрибасини чуқур ўрганиш халқаро миқёсда бекарорлик тобора кучайиб бораётган, глобал молиявий инқироз, мисли қўрилмаган табиий ва техноген ҳалокатлар рўй бераётган

2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб, бу кўрсаткич 9 фоиз этиб белгиланган, яъни қарийб 70 фоизга камайитрилди. Айни чоғда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ва уларнинг даромадла-

рини солиққа тортиш ҳам бирдмунча такомиллаштирилди. Мисол учун, жисмоний шахслар даромад солиғининг энг юқори ставкаси 2000 йилда 40 фоиз бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 22 фоизни ташкил этди. Эки ўтган даврда 45 фоизга пасайди.

Бундан ташқари, жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаларининг пасайтирилиши билан бирга, уларнинг солиққа тортиш базаси ҳам кенгайтирилди. Бу эса ушбу солиқ турини бўйича бюджетга тушумларнинг ортишини таъминламоқда. Чунончи, 2002 йилда энг кам иш ҳақининг 4 баробарига камкорда 13 фоизгача солиқ солинган бўлса, 2011 йилда энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 фоизли ставкада солиқ олинмоқда.

Мутахассисларнинг қайд этишича, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар корхоналар учун солиқ юқини бир оз

«Янги авлод — 2011»

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Янги авлод — 2011" республика болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтмоқда.

ИСТЕЪДОДЛИ, ЗУККО ВА ИНТИЛУВЧАН

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан "Камалак" болалар ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ ташлими вазириликнинг ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир ўғил-қизларнинг иқтидорини кенг миқёсда намоён этиш, маънавий дунёқарашини бойитиш ва улар қалбидида санъатга муҳаббат ҳиссини шакллантиришга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятланди.

Тадбирда иштирок этаётган 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар мумтоз мусиқа, миллий қолғучилик,

ракс, тасвирий санъат ва адабиёт йўналишларида ўзаро беллашмоқдалар. Умуман, "Янги авлод — 2011" фестивалида қатнашиш истагидагилардан бу йил 26 мингдан зиёд аризалар қабул қилинди. Беллашувнинг якуний босқичида эса 1027 нафар ўғил-қиз иқтидорини намоён этмоқда. Фестивалининг республика босқичи голибларини тантанали тақдирлаш маросими ва якуний гала-концерт 19 декабрь кунини пойтахтимиздаги "Истиклол" санъат саройида бўлиб ўтди.

М. ОХУНОВА.

МОЛИЯВИЙ МАДАД – ТАДБИРКОРГА ҚАНОТ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу жиҳат эътироф этилгани ҳолда, соҳа вакилларига қўшимча имтиёз ва ваколатлар яратиб бериш, тадбиркорлик ривожини янги босқичга олиб чиқиш долзарб вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда юртимизда бунинг учун зарур хом ашё, меҳнат ресурслари ва интеллектуал салоҳият мавжудлиги қайд этилиб, олиб бораётган ишлар самараси, келгусида амалга оширилиши босим бўлган аниқ инвестицион лойиҳалар бўйича мулоҳазалар билдирилди. Ушбу йўналиш бўйича кредит ташкилотлари вакилларига тавсиялар берилди.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФРАНЦУЗ СИЁСАТШУНОСИ ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Франциянинг етакчи сиёсатшунос ва дипломатларидан бири бўлган Жак Барра 2011 йил 30 ноябрь — 6 декабрь кунлари мамлакатимизда бўлди. Француз олимнинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетидан унинг "Ўзбекистон геосиёсати" мавзусидаги машҳур тадқиқот асосида туркум маърузалари ташкил этилди.

Франциянинг етакчи сиёсатшунос ва дипломатларидан бири бўлган Жак Барра геосиёсатга бағишланган кўнлаб илмий тадқиқот ишларининг муаллифидир. Жак Барра ўз тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасига катта эътибор қаратиб келмоқда. Мисол учун, 2010 йилда унинг мамлакатимизга бағишланган китоби нашр этилган.

Жак Барра талабалар билан учрашувдаги маърузасида Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида эришган улкан муваффақиятларга юксак баҳо берди. Унинг фикрича, "Мустақил Ўзбекистон Президент Исрол Каримов раҳнамолигида ўтиш даврининг барча синновларидан муваффақиятли ўтмоқда, давлатчилик ҳамда янги ташқи сиёсатини шакллантиришда улкан ютуқларга эришмоқда ва бундай изчил давлат сиёсати бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиши мумкин".

Жак Барра ўз маърузаларида Ўзбекистоннинг барқарор ва изчил ривожланиш борасидаги тажрибасини чуқур ўрганиш халқаро миқёсда бекарорлик тобора кучайиб бораётган, глобал молиявий инқироз, мисли қўрилмаган табиий ва техноген ҳалокатлар рўй бераётган

ган бугунги шароитда, айниқса, муҳим аҳамият касб этилиши таъкидланди.

Француз олимни қайд этдики, Ўзбекистонда ўз вақтида танланган ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўли бугуннинг ўзидаёқ юксак самаралар бермоқда — улкан иқтисодий ўсишга эришилмоқда, молиявий барқарорлик таъминланмоқда. Жак Барра аҳоли саводхонлик даражасининг юқорилиги, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун давлат бюджетидан катта микдордаги маблағлар ажратилаётгани, аҳолининг умр кўриш даражаси ошайётгани ва болалар ўлими камаяётгани Ўзбекистон барқарор ривожланиётганини яна бир далили эканини таъкидлади.

Жак Баррнинг геосиёсатнинг концептуал асослари, жаҳон сиёсатидаги номутаносибликлар, Франция ва Ўзбекистон геосиёсатининг таққосий таҳлили ҳамда ташқи сиёсий стратегиясининг асосий йўналишларини қамраб олган туркум маърузалари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаларида катта қизиқиш уйғотди.

(ЎЗА).

Сарҳисоб

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонига қўра, саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкаси 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб 5 фоиз қилиб белгиланди. Қолаверса, Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини тегишли шартларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" Фармонига асосан, бундай субъектларда уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш тақиқланди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда солиқлар ва тўловлар ставкаларининг пасайтирилиши ва уларни ундириш механизмларининг такомиллаштирилиши амалдаги солиқ юқининг камайишига ва бюджетга тўловларнинг вақтида келиб тушишига, пировадига иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Шавкат ТўРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Олий бизнес мактабининг бўлим бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди.

• Реклама ва эълонлар •

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ

Маҳсулотлари билан танилган "Тошкент труба заводи"да техник ва технологик янгиланишлар жадал давом эттирилмоқда

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, яратилаётган қулай сарможий муҳит иқтисодий тараққиётнинг барқарор суръатларини таъминламоқда. Бундан ташқари шу йилнинг тўққиз ойи давомида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кузатишга юқори ўсиш кўрсаткичлари ҳам тасдиқлаб турибди. Бу даврда республикамизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,2 фоиз, sanoat маҳсулотлари тайёрлаш эса 7 фоизга ўсди.

талл черепица ва қувурларнинг аксарияти корхонамизда ишлаб чиқарилаётгани бизда ифтихор туйғусини уйғотади.

Эътиборлиси, корхона жамоаси бугунги ютуқлари билан чегараланиб қолгани йўқ. Уларнинг келгуси режалари бундан ташқари, корхонада

Шуни эътиборлики, Марказий Осиёда ягона бўлган "Тошкент труба заводи" томонидан амалга оширилаётган мазкур лойиҳа Ўзбекистонни халқаро "API-Spec.5L" стандартига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи

Аргентина, Германия, Италия, Канада, Хитой, Россия, Япония каби санокли мамлакатлар қаторига киритди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши қисқа вақт ичида 15 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағни тежаш имконини бергани эса навад эътиборлидир. Бу, ўз навбатида, корхона фаолиятини ривожлантиришга, қўшимча истикболли лойиҳаларни жадаллаштиришга хизмат қилади, албатта.

Бундан ташқари, корхонада

2012 йилда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган учта лойиҳа амалга оширилди.

— Корхонамизда олиб борилаётган модернизациялаш лойиҳалари шарофати билан "API-Spec.5L" стандарти бўйича диаметри 325 миллиметрдан 1620 миллиметргача, қалинлиги эса 5 миллиметрдан 24 миллиметргача бўлган нефть ва газ саноати учун пўлат ўтказгич ҳамда электрпайвандли, спираль чокли қувурлар ишлаб чиқарилишини алоҳида қайд этиш зарур, — дея сўзида давом этади Виктория Суцелина. — Бундан кўзланган мақсад Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика ва қишлоқ хўжалиги саноати ҳамда коммунал соҳаларини импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи қувурлар билан таъминлашдир. Ваҳолонки, ҳозиргача республикамизда бундай маҳсулотларга эътиёж фақат импорт ҳисобидан қопланарди.

Шуни эътиборлики, Марказий Осиёда ягона бўлган "Тошкент труба заводи" томонидан амалга оширилаётган мазкур лойиҳа Ўзбекистонни халқаро "API-Spec.5L" стандартига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи Аргентина, Германия, Италия, Канада, Хитой, Россия, Япония каби санокли мамлакатлар қаторига киритди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши қисқа вақт ичида 15 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағни тежаш имконини бергани эса навад эътиборлидир. Бу, ўз навбатида, корхона фаолиятини ривожлантиришга, қўшимча истикболли лойиҳаларни жадаллаштиришга хизмат қилади, албатта.

Усмон УСМОНОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бизнинг компаниямиз Хиндистон фармацевтика саноатида етакчи ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади, — дейди "Nej Biotech" компанияси вакили Жанмежай Пател. — Корхонамизда тайёрланаётган табиий дори воситалари, косметика маҳсулотларига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

талаб юқори. Шунинг учун уларнинг аксарият қисми экспортга йўналтирилади. Компаниямиз Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. Биргаликда фармацевтика саноатининг ривожига қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-сотик қўламини кенгайтириш тарафдоримиз. Бунинг учун юртингизда етарли шарт-шароит ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам мавжуд.

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, фармацевтика Хиндистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланаётган етакчи саноатидир. Аини пайтда бу ерда мазкур соҳага иxtисослаштирилган 1000 дан ортик компаниялар фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг аксарияти ўз маҳсулотларини дунёнинг кўплаб мамлакатларига етказиб беради. 2010 йил апрелдан 2011 йил мартгача бўлган даврда экспорт ҳажми 10,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани бунга мисол бўла олади.

Кооперацион биржа давомида томонларнинг фармацевтика саноати салоҳияти, мавжуд имкониятлари ва иқтисодий лойиҳалари қамраб олинган тақдиротлар бўлиб ўтди.

С. РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Мексикада зилзила

Мексикада қучли зилзила содир бўлди.



Табиий офат оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмган. Қучланиши 6,5 баллни ташкил этган ер силкинишининг маркази Герреро штатидаги Игуала шаҳридан 26 километр узоқликда қайд этилган.

Манбага қараганда, табиий офат таъсири мамлакатнинг тўққиз штатида сезилган бўлса-да, вайронгарчиликлар кузатилмаган. Фақатгина айрим жойларда электр таъминотида вақтинча узилиш юз берган.

Дорилардан яхшироқ

Икки минг йил муқаддам Қадимги Рим табиий Скрибоний электр тоқининг бош оғриғига даво эканини айтиб ўтган эди.

Ушандан буюн олимлар ушбу муолажа ҳақида бош қотириб келишаётганди. Яқинда улар табиий ҳақ эканини исботлашди. Яъни жуда кам миқдордаги электр токи нафақат бош, балки танадаги бошқа оғриқларни ҳам қолдириш хусусиятига эга экан. Бундан ташқари, микроток депрессия, склероз, мушак касалликларидан фойдаланиш ҳам фойдалидир.

Яшаса бўладиган сайёра

"NASA" мутахассислари "Кеплер" телескопи орқали Ерга ўхшаш сайёрани аниқлашди.

Олимларнинг таъкидлашича, унда яшаш ҳам мумкин экан. Фақат бунинг учун олдин сайёрада сув бор ёки йўқлигини аниқлаш зарур. Ҳозир бу борада кузатишлар давом эттирилмоқда.

Ушбу сайёра Ердан 600 ёруғлик йили узоқликда жойлашган ва заминимиздан уч баробар катта. Унинг ҳаво ҳарорати ўртача 22 даражани ташкил этади ҳамда ўз ўқи атрофида 290 кун ичида тўлиқ айланиб чиқади.



Башоратгўй компьютер

Ахборот телекоммуникациялари соҳасида фаолият олиб бораётган дунёнинг бир гуруҳ етакчи олимлари ақли компьютер яратиш режасини ишлаб чиқишди.

"Living Earth Simulator" дея номланган ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад келажакни олдиндан айтиб берувчи компьютерни яратишдир. Швейцария Федерал технология университет

профессори Дирк Хелбиннинг таъкидлашича, яратилажак компьютер руй бериши мумкин бўлган ҳар қандай воқеалардан хабардор қилиш имкониятига эга бўлади.

Сақич ва аъло баҳо


АҚШнинг Лоренс университет олимлари турли ёқимли таъмирлаш эга сақичлар талабаларга имтиҳонни муваффақиятли топширишда ёрдам бериши мумкинлигини аниқлашди.

Буни билиш мақсадида олиб борилган тадқиқотга 80 нафар талаба жалб этилган. Яъни уларнинг ярмига синовдан олдин маълум муддат сақич чайнашга рухсат берилган. Яқинда маълум бўлишича, сақич чайнаганлар имтиҳонлардан яхши ўтишган.

Олимларнинг фикрича, сақичнинг мия иш фаолиятини бир неча баробарга тезлаштириш хусусияти бу натижага сабаб бўлган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бундай натижаларга эришишда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида фаол инвестициявий сиёсат олиб борилаётгани муҳим омил ҳисобланади. Шу йилнинг январь — сентябрь ойларида ўзлаштирилган хориз инвестициялари ҳажми 8 фоизга ўсиб, 2,3 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил қилгани бунга мисол бўла олади.



Маълумки, аини пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши ва зарур инфратузилмани яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган даврига қадар қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 6 мингта уй-жой қурилди. Уларга 2 000 км.дан зиёд сув ўтказиш тармоқлари тортилди. Мазкур тураржойларни зарур коммуникация тармоқла-

ри билан таъминлашда, айтиш мумкинки, чет эл инвестицияси иштирокида фаолият олиб бораётган "Тошкент труба заводи"нинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир.

— Корхонамиз истиқлолнинг дастлабки йилларида ташкил этилган, — дейди унинг директори Виктория Суцелина. — Ҳозир қишлоқларда уй-жойлар қурилиши ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш давлат дастурларини ижро этиш мақсадида пудратчи ва қурилиш ташкилотларига етказиб берилётган ме-



да бисёр. Жумладан, жорий йилда 200 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ва 80 минг тонна турли ҳажмдаги қувурлар ишлаб чиқариш, шунингдек, ишчилар сонини 2250 кишига етказиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, корхонада

Халқаро андозаларга мос

Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошидаги "Ёшлик" сув спорти мажмуаси мукамал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

120 ўринга мўлжалланган мазкур иншоотда сузиш иш-қибозларининг маҳорат оширишлари учун барча шароит яратилган. Лойиҳа рўйида Болалар спортини ривожлантириш мажмуасининг 1 миллирд 530 миллион сўми сарфланди. Таъкидлаш кераки, жо-

рий йилда ушбу жамғарма томонидан 11 спорт иншооти жорий ва капитал таъмирдан чиқарилди ҳамда 5 та янги мажмуа қурилиб, ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 11 миллиард сўм йўналтирилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ХУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Кириб келаётган Янги йил муносабати билан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй, «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмасининг «Халқ истеъмол товарлари кўرғазма-ярмарка савдоси республика маркази» ҳудудида шу йил 20 — 28 декабрь кунлари қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг байрам олди савдо ярмаркаси ташкил этилади.



Ярмарка иш вақти — соат 10.00 дан 17.00 га қадар.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

Телефон: (8-371) 227-10-44, 239-46-03.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида тақлиф этади!

1. Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан куйидаги мулклар такоран қўйилмоқда:

1. Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманларaro судининг 2011 йил 6 июндаги 1-5164/11-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа кўчаси, 26-уй, 62-хонадон манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 96,43 кв.м., яшаш майдони 66,87 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 52 500 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 14 апрелдаги 10-1004/14167-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 20-уй манзилида жойлашган, «Атторлик» ОАЖга тегишли бўлган, 15 та блокдан иборат куйидаги бино ва иншоотлар қўйилмоқда:

Т/р	Блоклар	Блоклар номи	Ўлчов бирлиги (кв.м.)
1.	А-блок	Маъмурий бино	906,0 кв.м.
2.	Б-блок	Насосхона	22,0 кв.м.
3.	В-блок	Ошхона	262,0 кв.м.
4.	Г-блок	Омборхона	413,0 кв.м.
5.	Д-блок	Омборхона	318,0 кв.м.
6.	Е-блок	Омборхона	5187,0 кв.м.
7.	Ж-блок	Омборхона	3101,0 кв.м.
8.	И-блок	Омборхона	522,0 кв.м.
9.	К-блок	Қоровулхона	7,0 кв.м.
10.	Л-блок	Гараж-шийпон (қисми)	200,0 кв.м.
11.	М-блок	Насосхона	40,0 кв.м.
12.	Н-блок	Ҳаммом	20,0 кв.м.
13.	О-блок	Ҳожатхона	12,0 кв.м.
14.	У-блок	Ҳожатхона	19,0 кв.м.
15.	З-блок	Омборхона	1603,0 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 4 821 364 000 сўм.

Лицензия: RR-0001.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

3. Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманларaro судининг 2011 йил 12 майдаги 1-4208/11-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Файзи Баланд кўчаси, 4-уй, 55-хонадон манзилида жойлашган, майдони 50,32 кв.м., 2 та яшаш хонаси ва бошқалардан иборат бўлган уй-жой қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 34 000 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2011 йил 29 июлдаги 20678/17-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-«А» уйда жойлашган, ДП СМУ-4 «Межгорсвязстрой» корхонасига тегишли бўлган, умумий ер майдони 123,0 кв.м.да жойлашган, майдони 81 кв.м. бўлган дўкон такоран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 79 868 378 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 30 декабрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2011 йил 28 декабрь кунин соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«ГАЗ» РУСУМИ АВТОМОБИЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКАЛАР

Тел.: 235 93 53
111 35 24, 102 96 00

E-mail: transneft66@mail.ru
web: gazel-tnk.uz

Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15,
236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатини ривожлантириш Давлат қўмитаси жамоаси кўмита бўлим бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Каримовга волидан муҳтарамаси

МАМЛАКАТ онанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Буюк гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодига теран назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафкура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз.

Ислом КАРИМОВ

МАНГУ БАЙТЛАР ЖОЗИБАСИ

Шарқ сўз санъатида эришилган барча ютуқларни ўзида мужассамлаштирган бу шеърят ҳақиқатан ҳам теран, мураккаб, ранг-барангдир. Навоийни ўқиб, тушуниш учун Шарқ фалсафаси, мумтоз сўз санъатидан хабардор бўлиш талаб қилинади.

Шарқ мумтоз сўз санъатида нафақат янги гап айтиш, теран фикр ифодалаш, балки ана шу янги гап, теран фикрни қандай шаклда, қайси бадиий санъат воситасида акс эттириш ҳам муҳим саналган. Бу адабиётда бадииятдан маҳрум, қуруқ суҳанбозликка ружу қўйиш кузатилмаган.

Алишер Навоийнинг вақт ўтган сари тобора ошиб бораётган шухратининг асл сабаби ҳам асарларининг юксак бадииятидир. Шоир шеърлари нафақат мазмунининг чуқурлиги фалсафасининг теранлиги, балки шак-

лан гўзаллиги, ҳассос руҳи ва ёқимли оҳанги билан ҳам кишини ўзига тортади. У ўзбек тилини улуғлабгина қолмай, айни пайтда ўзбек адабиётини, бадиий сўзнда юксакка кўтарди.

Навоий ижодига шунчаки ўки бу фикр ифодасига хизмат қиладиган оддий байт, ҳаттоки, мисрани ҳам топиш қийин. Шоир ҳар қандай фикр, кечинма, манзарани гўзал бадиий санъатлар воситасида юксак маҳорат билан ифодалайди.

Чунончи:

Ёр оғиз очмасқа дардим сўргали топтим сабаб:
Кўп чучуқликтин ёлушмишлар магар ул икки лаб.

учун бу санъатга мурожаат қиладилар. Бунда келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмай, шоирлар лутф

юзасидан уни вақ қилиб кўрсатдилар. Ушбу байтда ҳам маъшуканинг ошиқ аҳолини сўрамаслигига лабарининг азбаройи ширинлигидан бири-бирига ёпишиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Албатта, бу ҳақиқат

эмас, балки "гўзал ёлгон", лекин ушбу ташбеҳ ўзининг оҳорли ва бетакрорлиги билан ўқувчини ҳайратга солади.

Куйидаги байтда эса ёрининг ортиқ жабру жафо қилмай қўйга-

нини унинг кўнглида раҳм-шафқат уйғонгани эмас, балки ўзига кўрсатмаган жабру жафоси қолмагани билан асослайди:

Ёрким, қилмас жафову жавр — эрмас раҳмдин —
Ким, манга кўргузмаган жавру жафоси қолмаиши.

Машшуканинг ўз ошигига жафо қилишдан қўл тортиши (аслида уни нуғутиб қўйиши)нинг сабаби сифатида келтирилган бу далил, гарчи ёлгон бўлса-да, ўзининг зарофати, гўзаллиги, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқатга ўқиб кетиши билан ўқувчида эстетик завқ уйғотилади.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

Ғазал бўстони

Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазали замирида олам-олам маъно мужассам. Шу боис унинг ашъорлари ўзгача завқ ва шавқ билан ўқилади. Мазкур ғазал ҳам ана шундай жавоҳирлардан биридир.

Эй сабо

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарси хандонимга айт.
Буки онинг аҳду паймонида мен ўлсам доғи,
Яхши фурсат топсанг ул бадахду паймонимга айт.
Буки онинг зулфи зуннориди диним ҳосили,
Куфр ила бўлмиш мубаддал, номуслонимга айт.
Буки қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимга айт.
Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
Васлига бир ваъда қилгандин пушаймонимга айт.
Буки юз минг фитна кўзлук бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум назора онсиз кўзи фаттонимга айт.
Буки чок айлаб яқо усрук чиқар эл қасдига,
Мен ўлуб, эл жон топар бекон нодонимга айт.
Дахр боғи гуллари хусни вафосиз эркинин
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимга айт.
Эй Навоий, ҳеч гулшаниннг сенингдек хуш наво
Булбули йўқ эркинин шоҳи суҳандонимга айт.

Рубоий

Гар ошиқ эсанг, зебу тақаллуфни унут,
Яхшию ямон ишда тақаллуфни унут.
Ўткан гар эрур ямон — таассуфни унут,
Келган гар эрур яхши — тасарруфни унут.

Номанг манга руҳдин нишон бўлди яна,
Осойиши жони нотавон бўлди яна.
Ҳар ҳарфи анинг танимда жон бўлди яна,
Ҳар лафзи ҳаёти жовидон бўлди яна.

Ким кўрди экин жаҳонда оё хушлук,
То бир киши айлағай таманно хушлук,
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлук,
Омодадурур ёнида юз нохушлук.

Ҳайрат

Навоий ижодиётини бепоён уммонга қиёслаш мумкин. Уммон тубида ҳали беҳисоб жавоҳирлар ётибди. Унинг асарлари юзасидан юзлаб илмий ишлар қилинган бўлса-да, Навоий оламини тўла-тўқис забт этолганимиз йўқ.

ЮКСАК БАДИИЯТ

Шоир меросини ўрганиш асносида ҳар доим бирор бир янгилик кашф этилади. Масалан, ҳазратнинг бадииятини олайлик. Ҳар бир байт, мисрани тадқиқ этишининг ўзи жуда катта изланишларни талаб қилади. Мана, унинг машҳур бир байти:

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву, гул баргидин қафан қилгил.

Бир қараганда тушунарли ва раво мисралар. Аммо ҳазрат мазкур байт орқали нима демоқчилар? Бугунгача бу ҳақда қатор таҳмин ва талқинлар баён этилди. Лекин ягона тўхтам йўқ. Зеро, Навоий ижоди устидан яқдил хулоса чиқариш мушкул юмуш. Навоийнинг сўз танлаш ва қўллаш маҳорати, Навоий шеърлятидаги фалсафа, Навоийнинг диний-маърифий қарашлари, Навоий ва жаҳон адабиёти... Бу йўналишлар бўйича ҳали қанчадан-қанча янги уфқларни очиб мумкин.

Алишер Навоий ҳазратлари ўзигача ва ундан кейинги давр ўзбек шеърляти, ҳатто, барча туркий халқлар адабиётида ҳам асосий ўринни эгаллайди, десак, янглишмаймиз. Бинобарин, неча юз йиллар ўтгандан кейин ҳам мутафаккир ижодининг юксаклигига қолаётгани беҳиз эмас.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,
навоийшунос олим.

Хикматлар

Ҳар кишиким, ростни бехост дер,
Айтса ёлгон доғи, эл рост дер.

Ҳам сўз ила элга улумдин наҳот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

Бир деганни ики демак хаш эмас,
Сўз чу такрор топти — дилкаш эмас.

Хушдурур боғи койинот гули,
Борчадин яшироқ ҳаёт гули.

Сийрат

Алишер Навоий мероси юксак бир тоғга ўхшайди:
узқодан шундоққина қўл
етгудай масофада кўринса-
да, бу бекиёс ижод оламига
кириб борганингиз сари
унинг нақадар улугворлигини
ҳис қиласиз. Шоирнинг Олам
ва Одамга дахлдор барча
масалалар, тушунчалар
ўзининг бетакрор бадиий
талқинини толган асарлари-
ни мутлолаа қилиб, унинг
қалби ва тафаккури нечоғли
буюқлигини эътироф этасиз.



Алишер Навоийнинг "Ҳамса"си ўз ичига беш дostonни қамраб олган. Муаллиф унинг биринчи dostonи — "Ҳайрат ул-аброр" ("Яхши кишиларнинг ҳайратланиши")ни 1483 йилда ёзган.

Мазкур бебаҳо асарда инсон ва инсонийлик мавзусидаги ҳар бир воқеа ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Куйида ушбу асарнинг насрий баёнидан намуна ўқийсиз.

ҲОТАМИ ТОЙИ ҲАҚИДА

Ҳотами Тойига бир кўнгли очик одам деди:
— Эй, ҳимматда эркин табиат киши, саҳийлик кафтинга одат бўлганидан буён ўзингга ўхшаган кишини ҳеч кўрдингми?
У деди:
— Бир кун мен ҳамма учун йиғин қилдим. Унга ўша чўлдаги одамларнинг ҳаммасини чақирдим. Пишириш учун юзта туя қурбон қилинди, сўйилган қўй-қўзиларнинг сон-саногии йўқ эди. Базм бўлиб турган вақтда бирпас соф ҳаво илинжида дашт томонга чқидим. Айланиб юриб, бир қари чоқни кўрдим. У орқасига бир кучоқ тикан-ўтин ортган эди. Гавдасини бу юк эғиб, вужудига ҳас-садан устун тиркаган эди. Ҳар қадам ташлаганда, бирпас тўхтаб, ҳар дам олганда маълум бир

фурсат ўтарди. У чекаётган азоб ўти кўнглимни ёндириб, раҳм-шафқат билан унга шундай хитоб қилдим:
— Эй қаддини машаққат юки буккан, танасида ғам тиканлари ўрнашган одам! Даштда юриб хабаринг бўлмади? Нега Ҳотамнинг уйига бормадинг. У ҳаммани ўзининг уйига чақириб, яхшию ёмонни бугун меҳмон қилмоқда-ку. Ўтинни ташла, иззат гулшанига бор, машаққат чекиб ўлтирмай, тур, чақирқиқа бор!
У менин унинг аҳолидан изтироб чекканимни тушуниб, бош кўтариб қулди-да, шундай жавоб берди:

— Эй, оёғини очкўзлик банд этган, бўйнига гараз ва қизганчилик сиртмоқ бойлаган, эй ғайрат водийсига қадам босмаган, ҳиммат қалъасига байроқ тикмаган одам, сен ҳам бу тикан ташиб азобини тортиб кўр. Ҳотами Тойи миннатини эса торта берма. Қийналиб, машаққат билан бир танга топиш биров берган хазинадан яшироқдир.

Унинг сўзлари шундай ўринли эдики, шунинг



Давлатшоҳ САМАРҚАНДИЙ.

Жаҳон эътирофи

Алишер Навоийнинг асарлари ўнлаб хорижий тилларда, жумладан, форс, италян, немис, француз, голланд, венгер, чех, румин, поляк, ҳинд, турк, инглиз, рус, грузин, озарбойжон, туркман, қозоқ, тожик, татар, уйғур, украин, латин, арман, эстон, қирғиз ва бошқа тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилиб келинмоқда.

Навоий вафот этгандан кейин ўтган давр мобайнида унинг асарлари форсий ва туркий халқлар орасида кенг ёйилди. Фузулий, Кишварий, Мирзо Фатали Охундов, Собир каби озарбойжонлик ижодкорлар, Озодий, Махтумқули ва Залилий каби туркман шоирлари, қозоқ ёзувчиси Абай Кўнобоев, қорақалпоқ соҳибқамлавлари Бердақ, Ажиниёз, татар шоирлари Абдулла Тўқай, Қайом Носирий ва бошқалар Алишер Навоийни ўзларининг устозлари деб билиб, шоир бадииятидан таълим олдилар, айрим асарларига назира битдилар.

СЮЖЛИ УСТОЗ, НАМУНАЛИ ХУЛҚ

Навоий ўзининг сиёсий ва ижтимоий фаолияти билан халққа ниҳоят даражада манзур бўлди. У ўз шеърляти туфайли халқ орасида чинакам зўр обрў қозонди. Унинг шеърляти асрлардан бери яшаб келмоқда.

Альфред КУРЕЛЛА,
немис ёзувчиси.

Алишер Навоий жамики гўзалликларнинг буюк ҳомийси ва ўз даврининг энг улуг шоиридир.

Ян РИБКА,
чех олими.

Адиблар, тарихчилар, иншопардозлар, муъаммо ёзувчилар, ҳаттотлар, мусаввирлар, котиблар, меъморлар, шатранжбозлар, мусиқашунослар, паҳлавонлар, заргарлар, қулоллар, тикувчилар ва бошқа турли-туман билим, санъат ва ҳунар соҳиблари, мутахассислари Амир Алишер ҳузурига тўпланишиб, ўша замон илми, талаби ва услубига биноан асарлар ёзар эдилар. Амир Алишер ўшаларнинг ҳаммасига зўр ҳақсала, қўнғ ва эътибор билан маслаҳатлар берар, рағбат кўрсатар ҳамда уларга ҳомийлик қилар эди.

Саид Муҳаммад АБДУЛЛО,
покистонлик навоийшунос олим.

XV асрнинг охирида темирўйлар салтанатининг маданий ҳаётига жуда муҳим таъсирини ўтказган инсон Мир Алишер Навоий бўлиб, у янги сиёсий ва иқтисодий шароитни яратишда гоят катта ёрдам берди. Султон Хусайннинг яқин дўсти Мир Алишер муҳтожларга хайру эҳсон қилувчиларнинг машҳури, шоир ва олим эди.

Томас ЛЕНТЕ, Глени ЛОУВРИ,
АҚШ олимлари.

Улуғлик осмонининг қуёши

...Ўткир кўз эгаларининг ҳузурда маҳфий ва яширин қолмасинки, шараф ва улуғлик осмонининг қуёши, дунё буюқларининг пешвоси, яхши хулқлар манбаи... илм ва урфон эгаларининг намоёнчаси, таҳқиқ ва ишонч аҳяларининг қилбаси, ҳоқон давлатининг таянчи ва ҳазрати султоннинг яқини, фақирликка бою, ҳимматга ботир, олий ҳазрат низомулҳақ вал ҳақиқат ваддунё ваддин ХОНДАМИР.

ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 204,6 ▼ -7,1 ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 190,0 ▼ -3,7 АРМАТУРА 3269,5 ▼ -398,9 ШИФЕР (1 лист) 14630 ▼ -31 АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 **Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳач — С. Исломов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5